Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1995 йил 21 январь. Шанба. № 5 (14259) ترکستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германиянинг «Тиссен Хандельсунион АГ» концерни бошқаруви аъзоси Ханс Ульрих Грубер бошчилигидаги мазкур концерн вакилларини қабул қилди.

Ислом Каримов германиялик ишбилармонлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлаб, дунёга машҳур «Тиссен» концерни билан нефть ва газ, тоғ-кон саноати ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар мавжудлигини айтди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистонда хорижий тадбиркорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди.

Ханс Грубер самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистоннинг бир неча вазирлик ва муассасалари вакиллари билан оғир саноат, машинасозлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка оид музокаралари самарали бўлганини айтди. У ўзбекистонлик ҳамкорлар ҳам германиялик тадбиркорлар каби синчков ва омилкор эканини қайд этиб, бу келгуси режаларни амалга оширишда катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Султонов, Ю. Пайгин иштирок этди.

Қабул чоғида Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна ҳозир бўлди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ МАҲМУД УСМОНОВГА

*Қадрли Маҳмуд ота!*

Сиз қадимий ўзбек халқ амалий санъатининг ноёб тури — ганч ўймакорлиги соҳасида кўп йиллар мобайнида самарали меҳнат қилиб келяпсиз. Сизнинг бетакрор маҳоратингиз жумҳуриятимизда савлат тўкиб турган ўнлаб муҳташам кошоналарга афсонавий ҳусн бағишлаб турибди. Уларда халқимизнинг буюк ижодий қудрати, истеъдоди барқ уради.

Сиз улкан санъаткор бўлиш билан бирга, ўз ҳунарини дариғ тутмай, ёшларга беминнат ўргатиб келаётган саховатли қалб эгаси, халқ эъзозлаган устасиз. Бугунги кунда кўплаб шогирдларингиз Сизнинг эзгу ишларингизни давом эттириб, ўзбек ганчкорлик мактабини бойитмоқдалар.

Сизнинг машаққатли, айни пайтда шарафли меҳнатингиз ҳамиша юксак тақдирланиб келди. Давлат мукофотларининг совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ рассоми деган фахрий унвонларга эгасиз.

Қадрли Маҳмуд ота!

Сизнинг фидойи меҳнатингиз, ғайрат-шижоатингиз келажаги буюк давлатимизнинг ёш авлодига ҳамиша ибратдир.

Сизни муборак ёшингиз билан самимий қутлайман! Сизга сиҳат-саломатлик, фароғатли умр тилайман. Бахтли мўйсафидлик гаштини суринг, омон бўлинг!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

## ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

*Жаноби олийлари!*

Яқинда Ўзбекистонга ташрифим чоғида Сиз билан учрашишимга имконият яратганингиз, шунингдек иккала тамонни қизиқтирувчи масалаларни муҳокама қилишга вақтингизни аямаганингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман.

Суҳбатимиз пайтида Ўзбекистон бундан буён ҳам бозор иқтисодиёти йўлидан ривожланишига, сиёсий, молиявий ва ижтимоий барқарорликка, шунингдек мустаҳкам қонуний негизга алоҳида эътибор беришига Сизнинг ишончингиз комил эканига тўла қаноат ҳосил қилдим.

Сизнинг мамлакат энергия ресурслари ва донни четдан келтиришни камайтириб, иқтисодиётни, айниқса энергетика мажмуи ва қишлоқ хўжалигини мустаҳкамлаш йўлида кўраётган чора-тадбирларингизни яхшироқ тушуниб олиш имкониятига ҳам эга бўлдим. Бюджет-молия ва пул-кредит сиёсатини яхши йўлга қўйиш орқали миллий валютани мустаҳкамлаш юзасидан кўрилган чоралар қатъий иқтисодий сиёсатнинг далилидир. Бу чоралар ислоҳотлар дастури муваффақиятли бажарилиши учун мустаҳкам асосни вужудга келтириши шубҳасиз.

Сиз билан ва бошқа раҳбарлар билан суҳбатим ислоҳотлар дастури қандай бажарилаётганини ҳам, Ўзбекистон иқтисодиётининг салоҳиятини ҳам ижобий баҳолашимга ёрдам берди. Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланганини тасдиқловчи мактубингизни олиб, хурсанд бўлдим. Деярли 230 миллион доллардан иборат тиклаш заёми ва пахта лойиҳасини амалга ошириш учун заём бўйича музокараларнинг ниҳоясига етиши Жаҳон банки томонидан мадад бериш дастурини кенгайтириш учун асос бўлишига ишонаман. Бу дастур Ўзбекистон иқтисодиётини ўзгартириш учун катта сармоя талаб қилинадиган яқин тўрт-беш йил давомида ҳар йили уч юз миллион доллардан кўпроқ миқдорда 3-4 заёмдан иборат бўлиши мумкин. Тиклаш заёмига доир ишларнинг якунланиши ва режалаштирилаётган маслаҳат гуруҳининг учрашуви ҳам хорижий сармоядорларга Ўзбекистон салоҳиятини намойиш этишга ёрдам беради. Келишиб олганимиздек, корхоналарни хусусийлаштириш ва ислоҳ қилиш ислоҳотлар дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг негизи бўлиб, банк шу масалалар юзасидан молиявий ёрдам беришга ва маслаҳатлари билан мадад кўрсатишга тайёрдир.

Сизга энг яхши истаклар билан,

Юкон ХУАНГ,
Жаҳон банки Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича III департаменти директори.

## УСТАНИНГ БАХТИ

Машҳур ганчкор уста, Ўзбекистон халқ рассоми, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Маҳмуд Усмонов 85 ёшга тўлди. Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида ана шу муносабат билан тантанали йиғилиш бўлди.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг Маҳмуд ота Усмоновга табаррук ёши билан қутлаб йўллаган табригини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб эшиттирди.

Тадбирнинг мазкур саройда ўтказилишида ҳам рамзий маъно бор. Бинога ишланган ранго-ранг нақшлар уста ва унинг шогирдлари меҳнати маҳсулидир. Шунингдек, Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида, Алишер Навоий, Ҳамза, Муқимий номидаги театрларда, метро бекатларида, мамлакатимиздаги бошқа кўплаб биноларда ота қўлларининг нурли изи бор.

Меҳнат қилган — элда азиз, дейдилар. Маҳмуд Усмоновнинг кўп йиллик самарали меҳнати, бетакрор санъати муносиб тақдирланди. У мамлакатимизнинг юксак унвон ва мукофотларига сазовор бўлди.

Маҳмуд отанинг тантанада сўзга чиққан дўстлари, шогирдлари, санъат мухлислари уни қутлуғ кун билан муборакбод этиб, эл-юрт олдидаги улкан хизмати, меҳнат билан топган иззати — устанинг бахтидан сўзладилар.

(ЎзА)

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### 1995 ЙИЛГИ ПАХТА ВА БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛИ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТГА СОТИШНИ ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Пахта ва дон етиштиришни янада кўпайтиришдан қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий манфаатдорлигини ошириш ва қишлоқда ижтимоий масалаларни ҳал қилиш мақсадида:

1. Сотиш юзасидан белгиланган топшириқни бажарган хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган маҳсулотлар улуши пахта толаси харид ҳажмининг 40 фоизигача ва бошоқли дон экинлари харид ҳажмининг 50 фоизигача оширилсин, тегишли равишда илгари белгиланган давлат буюртмаси ҳажмлари пахта толасига 67 фоиздан 60 фоизгача ҳамда бошоқли дон экинларига 50 фоизгача камайтирилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги 10 кун муддат ичида пахта ва бошоқли дон экинларининг харид нархлари бўйича, шунингдек пахта толасининг улгуржи нархлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 22 августдаги Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 январь.

## ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

**Илгари хабар қилинганидек, 18 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда айрим вазирликлар раҳбарлари иштирокида мажлис бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловдан кейин вилоят, туман ва шаҳарларда ўтказилган биринчи ташкилий сессияларнинг якунлари, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга бўлган сайловнинг Ўзбекистон ҳаётидаги ўрни, одамлар онггига таъсири катта аҳамиятга эгадир, деди Президент Ислом Каримов. Зеро, у демократик руҳда, муқобиллик асосида ўтгани билан халқаро миқёсда ҳам юртимиз обрўсига обрў қўшди. Сизларни ана шундай кескин курашда халқ ишончига сазовор бўлганингиз — депутат этиб сайланганингиз билан табриклайман. Қолаверса, Маҳаллий кенгашларнинг биринчи ташкилий сессияларида ҳам мана шу ерда ўтирган ҳокимларга юксак ишонч билдирилди, модомики ҳокимлар — Президентнинг жойлардаги вакили экан, мен буни ўзимга билдирилган ишонч каби қабул қиламан.

Аввал айтганимдек, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотнинг биринчи босқичи якунланди. Биз бу даврда, аввало, давлат бошқарув тизимини шакллантириб олдик. Маҳаллий кенгашлар, маҳалла оқсоқоллари йиғинлари ҳозирги осойишталик ва барқарорликнинг пойдевори бўлиб хизмат қиляпти, десак хато бўлмайди. Мустаҳкам бошқарув тизими қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг юқоридан қуйи поғонагача етиб боришини таъмин этмоқда. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бошқача айтганда, бошқарув тизими мустаҳкам бўлсагина иш юришади.

Ўтказилган сайловнинг энг катта сиёсий аҳамияти — ана шу тизимни шакллантириб олганимиздир. Энди асосий иш шу тизимни жонлантириш, улуғвор вазифаларни бажара оладиган ҳолга келтиришдан иборат.

Бу туман ва шаҳар кенгашларини қандай одамлар бошқаришига ҳам боғлиқ. Биз бугун шу масалани пухта ўйлаб ҳал қилишимиз лозим. Чунки ҳамма иш — ислоҳотнинг амалга оширилиши ҳам, аҳолининг таъминоти ҳам, ободонлаштириш ҳам кўп жиҳатдан ҳокимларнинг даражасига, қатъиятига боғлиқдир.

Конституцияга биноан вилоят ҳокимларини Президент тавсия этади. Мен кимни шу масъулиятли лавозимга лойиқ топган бўлсам — унга ишонч билдирганимдир. Бошқача айтганда, мен уларнинг кафолатини зиммамга оламан. Вилоят ҳокимлари эса туман ва шаҳар ҳокимлигига муносиб номзодларни топиб, тақдим этишлари ҳамда уларнинг фаолияти учун жавоб беришлари шарт. Бундай лавозимларга масъулиятсиз, қатъиятсиз, йўлдан тоядиган, халқ ҳақига хиёнат қиладиган одамлар тасдиқланиб қолмаслиги керак.

Илгари юртимиздаги тинчлик, осойишталик — энг катта бойлигимиздир, деган эдим. Яна бир улкан давлатимиз эса мана шу юрт фуқароларининг, халқимизнинг юксак ишончидир. Ҳаммамизга ана шу ишончни оқлаш насиб этсин. Халқни меҳр-оқибатли қилиш, бир мақсад йўлида бирлаштириш борасида чеккан заҳматларимиз, қийинчиликларимиз, билингки, ҳеч қачон зое кетмайди. Одамлар ҳамма нарсани, кимнинг қандайлигини доим кўриб, билиб туради.

Сайловда учта сиёсий-ижтимоий куч — Халқ демократик партияси, маҳаллий ҳокимлик вакиллари ҳамда «Ватан тараққиёти» партиясидан кўрсатилган номзодлар депутатлик мандати учун курашди ва энг муносиблар бу юксак ишончга сазовор бўлди, дея таъкидлади Ислом Каримов. Энди ҳар бир депутат уни қайси сиёсий куч тавсия этган бўлса, амалий фаолиятида ана шу партия ёки ҳокимлик органининг дастурига амал қилиши, унинг ғояларини олға суриши даркор. Бундай деяётганимнинг сабаби шуки, баъзи депутатлар бошқа сиёсий куч ҳомийлиги остида мандатга эришиб, энди ўзини бошқа партия вакили деб эълон қилмоқда. Марказий сайлов комиссияси ҳам бундай ҳолларга бефарқ қарамаслиги керак. Қисқаси, ҳар ким ўзини тавсия этган, сайловда қўллаб-қувватлаган сиёсий куч номидан иш кўрсин.

Шу маънода Олий Мажлисда ҳам, маҳаллий кенгашларда ҳам турли фракциялар, блоклар ташкил топиши мумкин. Зеро, демократик тамойиллар шуни тақозо этади. Бир масала хусусида турли-туман фикрлар, қарашлар бўлиши, уларни таққослаб, ақл тарозисидан ўтказиш орқали бир тўхтамга келиш одатий ҳолга айланмоғи керак. Фақат ҳар кимнинг мана шу ҳаётни ўзгартириш, янада яхшилаш борасида ўз ғояси бўлсин. Бошқача айтганда, мақсад бир — унга етишмоқ йўли турлича бўлиши мумкин. Бундан кўз юммаслик керак. Қолаверса, парламент фаолиятида, умуман жамиятда фикр эркинлиги, ғоялар ранг-баранглиги бўлмаса, айниқса, унга йўл берилмаса, тараққиёт, олға силжиш қийинлашади. Яқин ўтмишимиз — бунинг яққол далилидир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бизда эскидан қолган бир иллат бор: «Яшасин», «Якдиллик» деган хитобларга ўрганиб қолганмиз. Гўё биров сал бошқача фикрласа, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетадигандай хавотирга тушамиз. Унга душманимиздай қараймиз. Энди у замонлар ўтди. Ҳар қандай фикрни муҳокама қилиб, ҳақиқат баҳсларда туғилади, деган ақидага амал қилиб, энг маъқул, энг тўғри йўлни топиш мумкин. Фақат Конституция доирасида, ортиқча ҳою-ҳавасга, шовқин-суронга берилмасдан ҳаракат қилиш керак, холос. Очиқ, демократик давлат барпо этишнинг йўли шу ва биз бу йўлдан қатъият билан бораверамиз. Чунки, барчамизнинг энг эзгу мақсадимиз бир, у ҳам бўлса — ҳуқуқий, демократик жамият қурмоқ, эркин иқтисодиёт барпо этмоқ. Авлодларга озод ва обод ватан қолдирмоқдир.

Митингбозлик, бақир-чақирлар авжга чиққан йиллардаги шиорларни эслайлик, деди Президент. Улар асосан ватан мустақиллиги, тилимизга давлат мақомини бериш, пахта яккаҳокимлигини тугатиш, экологик вазиятни яхшилаш, деҳқонларга ер бериш, эркин иқтисодиёт барпо этиш, миллий қадриятларни тиклашдан иборат эмасмиди? Бугун, айтинглар-чи, ана шу ишлардан қайси бири амалга ошмасдан қолди? Бизга ўзини мухолиф санайдиганлар ҳам ҳақиқатнинг юзига тик қараб, шу саволга жавоб берсин! Уларнинг яна нима армони қолди?

Ҳаммасига осойишта, тинч йўл билан, миллатлар орасига нифоқ солмасдан, ҳеч кимни камситмасдан эришса бўлар экан-ку! Агар ўша пайтда қуруқ ваъдаларга учиб, йўлимиздан адашиб кетганимизда нима бўларди? Бундай адашишларнинг аянчли оқибатларини ён қўшниларимиз ва бошқа кўплаб собиқ иттифоқ республикалари мисолида кўриб турибмиз-ку! Хайриятки, халқимиз, унинг онгли қисми тўғри йўлни танлай олди.

Ҳамма мана шу ҳақиқатни, ҳаёт ўзгариб бораётганини тўғри тушуниб олиши, айниқса раҳбарлар буни чуқур ҳис этиши, дунёқарашини ўзгартириши, фаолиятини бугунги кун мезонларига мослаб ташкил этиши шарт, дея таъкидлади Ислом Каримов. Акс ҳолда, у замон талабларига жавоб бераолмайди, охир-оқибатда аравадан тушиб қолади. Шуни таъкидлаш керакки, баъзи ҳокимларда кадрларга нисбатан талабчанлик етишмаяпти, янги кучлардан — билимдон, ўзидан устун ёшлардан чўчиш, уларга йўл очиб бермаслик кайфиятлари бор. Бу бир кун келиб панд бериши мумкин. Қолаверса, айрим жойларда ҳокимлар майда хўжалик ишлари билан ўралашиб қоляпти. Оқибатда эл-юртни ободонлаштириш, аҳоли таъминотини, ҳаёт шароитини яхшилаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек амалга оширилмаяпти. Ҳолбуки, халқ етакчиси бўлган ҳар бир раҳбарнинг энг муқаддас бурчи — одамларга ғамхўрлик қилиш, уларни бирлаштириш, сиёсатимиз — эзгу мақсадларимиз йўлида жипслаштиришдан иборатдир. Чунки йўл қурилса — ободлик бўлади, газ келса — ҳаёт тарзи ўзгаради, сув — одамларга саломатлик бахш этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас, деди Ислом Каримов. Бунинг сабаби шундаки, кўплаб ҳокимлар боқимандалик кайфиятидан ҳали ҳам халос бўлолгани йўқ. Ҳамма республика ҳукумати таъминлайдиган — марказлашган манбаларга кўз тикиб ўтирибди. Бизнинг бугунги энг катта душманимиз — боқимандалик. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларнинг бир қисмини ўзида етиштиришга, камини ўз йўли билан четдан олиб келишга етарли ҳаракат йўқ. Биронта вилоятнинг бу борадаги топшириқни бажармагани шундай хулоса чиқаришга мажбур қилади. Ўзингиз ўйланг, Жиззах вилоятида лалми ерлардан бор-йўғи 7 центнердан ҳосил олинганини, аҳолиси кўп бўлган Фарғона вилоятида — 62 минг гектар ерга дон экилганини қандай баҳолаш мумкин? Қорақалпоғистондаги аҳвол бундан ҳам баттар! Ёки машаққат билан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг четга чиқиб кетаётганига чидаб бўладими? Қисқаси, ҳар бир вилоят аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқсин. Марказдан қанча маҳсулот олади, ўзи қанчасини топади — буни келишиб олсин. Ҳукумат ўзига тегишли қисмини етказиб беради. Муҳими, ҳар бир дўконда бўлиши белгилаб қўйилган ун, ёғ, шакар, чой каби саккиз турдаги маҳсулот доимо турсин. Токи одамлар ишонч билан, хотиржам яшасин.

Лекин бу ўринда ўзингни бил, ўзгани қўй қабилида иш бўлмаслиги керак. Ўзбекистон яхлит мамлакатлигини унутмайлик. Масалан, Хоразмда ортиқча гуруч бўлса, Қашқадарёда ғалла бор. Четга югургандан кўра, улар ўзаро маҳсулот алмашса, яхши эмасми?

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга, деди Президент. Чунки бу халқ хўжалигининг барча соҳаларига таъсир этади. Қишлоқ хўжалиги ўзгармас экан, ҳаётда ўзгариш бўлмайди. Бунинг учун эса шу соҳада хусусийлаштиришни жой-жойига қўйиш керак. Афсуски, биз бунга ҳали тўла эриша олганимиз йўқ. Негаки, энг катта камчилик — ҳамон расмиятчилик кучли. Давлат, жамоа хўжаликларининг номи, мулк шакли ўзгаргани билан моҳият ўзгармаяпти. Ҳамон ўша раҳбар, қотиб қолган раҳбар бошқарув тизими билан жойида ўтирибди. Энг ёмони — ислоҳот йўлида тўсиқ ғов бўляпти. Бунга барҳам берилмас экан, токи ҳар бир деҳқон ерга, ишлаб чиқариш воситаларига ўз мулким деб қараб, шунга яраша муносабатда бўлмас экан, мақсадга эришиш қийин.

Бу борада кескин чоралар кўриш, фермерларни қўллаб-қувватлаш зарур. Завод ва жамоа, деҳқон хўжаликлари иштирокида агрофирмалар тузиш, уларга бир киши эмас, балки ана шу фирма бошқаруви раҳбарлик қилиши керак. Гўшт, мева, узум маҳсулотларини қайта ишлашда ҳам шундай йўл тутиш лозим. Хуллас, ҳокимликлар, олимлар бу борада бир фикрга келиб, ўз тавсияларини беришлари даркор.

Қишлоқ хўжалигига дахлдор ҳар бир ташкилот — у банкми, техника таъминоти билан шуғулланадими — барчаси шу соҳада ҳақиқий ислоҳотни амалга ошириш учун жон куйдирмоғи шарт. Ҳеч ким бу ишдан четда турмаслиги керак.

Мамлакатда ҳисоб-китоб ишлари ҳам пухта бўлмоғи лозим. Чунки хорижий давлатлар ана шу ҳисоб-китобларда қайд этилган кўрсаткичларга қараб бизнинг иқтисодий салоҳиятимизни баҳолайди, муносабатда бўлади. Қолаверса, ўзимиз ҳам шунга қараб муаммоларимизни аниқлаб оламиз.

Бир мисол: биз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайди, деймиз. Собиқ иттифоқда ҳар бир киши ўртача 68 килограмм гўшт истеъмол қиларди. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 26-28 килограмм эди. Ҳозир 40 килограммдан ортди. Хўш, бизда гўшт ишлаб чиқариш камайдими, ортдими?

Биз устивор йўналишлар — ғалла ва нефть мустақиллигига эришишни мақсад қилган эдик. Худо хоҳласа, қолган соҳаларда ҳам ўзимизни ўзимиз таъминлайдиган даражага етамиз. Чунки иқтисодий мустақилликнинг нечоғли аҳамиятга эга эканини халқимиз теран тушунади.

Бу йил катта синов йили бўлади. Биринчи босқич даврида қилган саъй-ҳаракатларимиз илк натижаларини бера бошлайди. Қолаверса, мақсадимиз аниқ, унга етишиш йўлларини танлаб олдик, ниятимиз эса холис. Кимнингки нияти пок бўлса, яратган ҳам қўллайди, дейдилар. Зеро, мана шу барчамизга азиз бўлган ватан, заҳматкаш халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилишдан ортиқ савоб йўқдир, деди Ислом Каримов пировардида.

Йиғилишда Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг бу борадаги ҳисоботлари тингланди.

Аҳмад ХЎЖА,
(ЎзА).

## 2. НОН ТАЪМИ

*Хирмон тўлиб тўкилди дон*



Республикамиз бўйича халқ истеъмоли учун бир йилда уч миллион 800 минг тоннадан ошиқроқ буғдой зарур бўлади. Ўтган йилда халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан яхшироқ таъминлаш мақсадида республикамиз бюджетидан етарли маблағ ажратилганди.

Республикамиз бўйича кунига «Ўзбекистон Республикаси нон маҳсулотлари ҳиссадорлик корпорацияси» тизимида кунига 1200-1300 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариладди. «Ўзбекбирлашув» тизимида эса кунига 1500—1600 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрланади. Бу кўрсаткич бир йилда 1 миллион тоннадан ошиб кетади.

Тошкент шаҳрини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича 6та катта корхона узлуксиз ишлайди. Шунингдек 16та хорижий ускуналар келтирилиб, ўрнатилган нонвойхоналар ҳам эл хизматида. Пойтахтимизни бир кунлик нонга бўлган эҳтиёжи 450-460 тоннани ташкил этади.

Юқорида таъкидланган корхоналардан 60 фоиз фойдаланилганда, ана шунча миқдордаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланади. Айни кунларда Тошкент шаҳридаги корхоналар кунига 450-460 тонна ҳар хил турдаги нон маҳсулотларини тайёрлайди.

Ноннинг ҳиди етти чақиримдан билинади, дейишади. Бу бор гап. Шаҳримиз кўчалари бўйлаб «НОН» сўзлари ёзилган машиналар ўтаётганда шу ҳидни туямиз. 2 миллион 300 минг кишилик аҳолини нон билан таъминлаш мақсадида ҳар куни бундай машиналарнинг қанчаси йўлга чиқади-ю, қанчасига корхоналарда нон юкланади. Биз «Тошкент нон маҳсулотлари» бирлашмасига қарашли 3-нон маҳсулотлари корхонасида бўлдик. Бу ерда «Тузсиз», «Сутли», «Қора нон» каби турли нон маҳсулотлари тайёрланади. Ҳар бири 720 граммдан тош босадиган қора рангдаги парҳез нонлари пойтахт бўйича ягона шу ерда тайёрланади. Корхонанинг 14та дўкони, ҳамда Яккасарой туманида фирма дўкони халқ хизматида.

Кейинги уч йил давомида бу корхонанинг иқтисоди мустаҳкамланди. Кўплаб янгиликлар рўй берди. Олмония ва Туркиядан янги ускуналар келтирилди. Шулардан бири Талабалар шаҳарчасига ўрнатилди. У ерда кунига 2 тоннага етказиб нон тайёрланади. Талабалар эса тўлиқ, арзон нархдаги нонлар билан таъминланади.

Шунингдек, Қуйлиқ даҳасида ва Сирғали туманида корхонанинг тармоқлари очилди. Янги техника жиҳозлари Олмониянинг «Винклер» фирмасининг ускуналаридир. Сирғалидаги бу тармоқ аҳолига кунига бир ярим тоннага етказиб нон маҳсулотлари тайёрлаб бермоқдда. Айни дамда корхонада 500 га яқин киши меҳнат қилади. Уларнинг ўртача маоши ҳам 500 сўм атрофида.

— Корхонамизда мутахассис тайёрлашга катта эътибор қаратаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Мираброр Бекбоев, — ўша чет эл ускуналарида ишлаш учун ёш йигит-қизлардан кўпчилигини ўқитдик. Чунки унни сақлаш, хамир тайёрлаш, зувалалаш, пишириш каби мураккаб жараённи босиб ўтувчи нон тайёрлаш технологияси жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражага етди, дейишимиз мумкин. Бугунги кунда Н. Султонова, Г. Сидирова, М. Тоштемирова, Н. Пўлатова каби нон ёпувчи ва хамир тайёрловчилар фаол меҳнат қилишмоқда.

Корхонадан қайтарканмиз,



таралаётган хушбўй нон таъмини сездик. Қатор-қатор машиналар нон юклаш учун навбат кутишаяпти. Дарвозадан эса кетма-кет шаҳарнинг турли бурчакларига нон ортилган машиналар йўл олмоқда. Улар ҳаммамизга ризқу-насибамизни улашади. Иссиқми, совуқми, иш кунимми ёки дам олиш кунимми нонпазлар учун фарқи йўқ. Улар дўконларни турли-туман ва мазали нон маҳсулотлари билан таъминлаш учун эртаю-кеч тер тўкадилар. Зеро, уларнинг саъй-ҳаракатлари хонадонларнинг серфайзлигига сабабчидир. (Келгуси мақоламизда биз нон сотувчилар билан суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этамиз).

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
«Туркистон» мухбири.



СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар 3-нон маҳсулотлари корхонасининг Сирғали туманида очилган тармоғидан лавҳалар.

Суратларни К. ЎЛМАСОВ олган.

*Ислоҳотларимизнинг муваффақияти барчамизнинг тақдиримизни ва келажагимизни ҳал этади.*

Ислом КАРИМОВ.

# ҚУР, ЯРАТ ДЕНГ, ҲАЙҚИР ДЕНГ, ЖЎШ ДЕНГ,

Бугун «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент фармони қабул қилинганлигига бир йил тўлди

Абдулла ОРИПОВ

***

*Йўқ, керакмас, қўйинг, керакмас*
*Менга ором истаманг, дўстлар.*
*Хилват соз деб қистаманг, дўстлар,*
*Қўйинг, бундай ором керакмас.*
*Ногаҳонда хаёлга ботсам,*
*Ё ухласам, уйғотинг дарров.*
*Номим тутиб, сўз қотинг дарров,*
*Беҳудага бир ёққа борсам,*
*Қўлларимдан ушлаб ўшал дам,*
*Курашларнинг сафига қўшинг,*
*Қур, ярат денг,*
*ҳайқир денг,*
*жўш денг,*
*Шундай яшар одатда одам!*

*Қанотли хабарлар*

## ХЎЖАЛИКДАГИ ҲАРАКАТЛАР

Яқинда Бўка туманининг «Хўжақўрғон» жамоа хўжалигида 10 минг тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга бўлган янги консерва заводи қуриб битказилди. Завод йилига 1400 тонна помидор пастаси ишлаб чиқаради. Тез орада хўжаликда ишга тушириладиган яна бир корхона — сутни қайта ишлаш цехи кўпгина ёшларни иш билан таъминлайди. Цехда 8 тонна сут қайта ишланиб, сариёғ, пишлоқ, сузма каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Иш камайган айни қиш кунларида эса хўжаликда истиқомат қилувчи ўнлаб қўли гул чевар қиз-жувонлар гилам ва атлас тўқиш ишларига жалб қилинган. Улар тайёрлаётган шойи—атласлар, миллий гиламлар кўзни қувонтиради. Бу хўжалик аъзолари учун маҳсулотлар арзон баҳода сотиляпти.

Б. НАЗАРОВ.

## ДУНЁ БОЗОРИДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПАДИ

Хоразм вилояти ипак ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида тукли матолар фабрикаси ишга тушди. Бу ерда дастлабки виллюр ва помбархт матолар ишлаб чиқарила бошланди. Хитой республикасининг Цзян — Су провинцияси ташқи савдо компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилган ушбу корхонага жуда қисқа вақт ичида асос солинди. Фабрикага асбоб-ускуналар Хитойдан келтирилди. Созловчи усталар, корхона ёш ишчиларига хитойлик мутахассислар иш ўргатишмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига келсак, хитойлик мутахассисларнинг айтишича, у жаҳон андозасига мос келади. Шуниси қувончлики, яқин кунларда Хоразм виллюр ва помбархт матолари дунё бозорларида ўз ўрнини топади. Йилига 1 миллион пагонметр тукли мато ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона имкониятлари келгусида янада ошишига кафолат бор.

Д. БЕКЖОНОВА.

## БУЮРТМАЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

«Сирож» фирмаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо у ўз маҳсулотларининг бежирим, нафислиги билан мижозлар эътиборини қозонди, дейиш мумкин. Фирма чеварлари болалар устки кийимлари, кўрпа-ёстиқ жилдлари, аёллар халати, эркаклар кўйлаги ва чойшаблар тикишмоқда.

Бўка туманидаги «Ачамайли» жамоа хўжалигида ташкил топган бу фирма тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини шу хўжалик меҳнаткашларига етказиб бермоқда.

— Ҳозирги кунда фирмамизда 75 нафар қиз-жувонлар ишлаб турибди, —дейди корхона раҳбари Ҳусниддин Шарипов. —Уларнинг кўпчилиги илгари ишламаганлар. Эндиликда эса иш билан таъминландилар. Иш икки сменада ташкил этилган. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қўшимча имкониятларни ишга солаяпмиз. Ишчи ўринлари сонини 150 тага етказишга ҳаракат қиляпмиз.

Гули ЖАҲОН

*Ислоҳот ва ҳаёт*

## ТАРАҚҚИЁТГА ЙЎЛ ОЧГАН ФАРМОН

**. Ҳиссадорлик ҳам мулк ҳиссини уйғотади**
**. Хусусий мулк ва рақобат**
**. Кўргазмада туғилган тилак**
**. Бу йил 61 мингта кичик корхона**

Бир йил муқаддам Президентимиз Ислом Каримовнинг нафақат мамлакатимиз тадбиркор ва ишбилармонларини, балки жаҳондаги ишбилармонлар доиралари, жамоатчилик қизиқишини уйғотган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинганди. 1994 йил 7 февралда эса «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги яна бир муҳим фармон чиқди. Ўтган бир йил давомида қўмитамиз фармонда кўрсатилган вазифалар бўйича қандай иш олиб борди? Ютуқ ва камчиликлар ҳақида, қўмита фаолияти борасида нима дейиш мумкин? Бозорга, унинг мол билан тўлишига ҳисса қўша олдикми?

Хусусийлаштиришни тезлатиш, давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш, кичик ва ўрта тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк туйғусини шакллантириш фаолиятимиз моҳиятини ташкил этади.

1994 йил халқимиз учун ҳам, мамлакатимиз тараққиёти учун ҳам яхши йил бўлди. Кўплаб ишлаб чиқариш тармоқларида ишлар жонланди, маҳсулотларнинг сифати ошди, эгалик ҳисси уйғонди, жонни фидо қилиб ишлашга шароит туғилди.

Ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари очиқ турдаги жамоаларга айлантирилиб, 155 минг 193 та қимматбаҳо қоғоз сотилди. Бундай ҳиссадорлик жамиятлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш устида изланишга, елиб-югуришга, кези келганда фаолият турини ўзгартиришга, бир сўз билан айтганда, бозор талаби билан қизиқишга мажбур. Чунки, қимматбаҳо қоғозга дивидент олиш керак, корхона «ғазна»сини «бақувват» қилиш лозим. Шундай қилмаса, синади, банкротга учрайди. Демак, корхоналарнинг ҳиссадорлик жамиятига айланиши ишчиларга ҳам ўз корхоналарини сақлаб қолиш масъулиятини юклайди.

Бевосита 1994 йилда хусусийлашган корхона ва ташкилотларнинг сони республикамиз бўйича 9744 тани ташкил этди. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2009 та, Фарғона вилоятида 751 та, Андижонда 806 та, Самарқандда 803 та, Тошкент вилоятида 1034та ... корхона ҳамда ташкилот эгаларига топширилди. Уларни сотишдан эса Тошкент шаҳрида 116 миллион 140 сўм, Самарқанд вилоятидан 52 миллион 676 сўм, Фарғона вилоятидан 60 миллион 103 сўм ва республика бўйича 300 миллион сўмдан зиёд маблағ тушди. Хўш, бу корхона ва ташкилотларни сотдик, шу билан иш тамом, вассаломми, деган савол туғилиши табиий. Аммо, қўмитамиз тушган маблағнинг маълум бир қисмини яна кўмакка, қарзга муҳтож тадбиркорлар учун ажратади. Токи ўша сотиб олинган корхона ёки ташкилот «оёққа туриб» олсин. Улар ўзларини тутиб олганларидан сўнг қарзни қайтаради. Хусусийлаштирилаётган корхоналар ҳам Президентимиз фармонида кўрсатилганидек, узоқни кўзлаб, улар ички бозоримизда соғлом рақобат пайдо қилишларини, сўнгра жаҳон бозорига чиқишга қурби етиш даражасигача ўсишларини ҳисобга олиб эгаларига топширияпти.

Шунингдек, ўтган йил 21 январдаги фармон қўмитамиз фаолиятида янги-янги йўналишлар очишга замин яратган. Натижада, республикада кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма, Кўчмас мулк ҳамда товар хом-ашё биржалари тузилди. Республика Кўчмас мулк биржаси фаолиятида Халқаро ривожланиш агентлиги (АҚШ) дастури бўйича Ўзбекистонда ишлаётган «Прайс Уотерхаус» фирмаси мутахассисларидан яқиндан ёрдам олишди. Кўчмас мулк биржаси хусусийлаштириш жараёнини такомиллаштириш, жадаллаштириш, кўчмас мулкларнинг очиқ бозорини шакллантириш мақсадида тузилган. Унда савдо, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари, қурилиши тугалланмаган объектлар кимошди савдоси асосида сотилади. Ўтган йили 87 марта шундай савдо ўтказилди. Шу туфайли 500дан ошиқ объектлар ўз хўжайинларини топди. 29 дона автомобиль ҳамда 41та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари ери билан биргаликда савдога қўйилди. Кўчмас мулкка бўлган қизиқиш халқимиз ўртасида ортди дейиш мумкин.

Бизнинг саъй-ҳаракатларимиз аниқ мақсадга йўналтирилган, яъни, бозор муносабатларини келтириб чиқаришда нодавлат секторининг тутган ўрнини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Агар шундай бўлса ички рақобат кучайган, кўпгина корхоналар ўзининг сифатли маҳсулотлари билан бозорларни тўлдирган ва чет эл бозорларини «забт» этаётган вақт келди, дейиш мумкин. Аммо, ҳозирча нодавлат секторидаги корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми умумий ишлаб чиқаришда 50 фоизни ташкил этади.

Товар хом-ашё биржасида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Бу биржа фаолияти бозорлар молга тўлаётганлиги билан баҳоланади. Ўтган йили бу биржада 1032 та тадбир қилинган. 561 марта савдо-сотиқ кўргазмаси ўтказилган. Кўргазмаларнинг фойдасини биласиз, шартномалар имзоланади, мол айирбошланади. Борди-келди, дўстлик ришталари мустаҳкамланади, ўзаро ишонч пайдо бўлади. Бозорлар тўлади.

Хўш, қўмитамиз 1995 йилда нима ишларни рўёбга чиқаради? Юқорида таъкидланганидек, рақобатни кучайтириш, хусусийлаштириш жараёнини кенгайтириш, қимматбаҳо қоғоз бозорини авж олдириш, хусусийми ёки оилавийми мулкка йўл очиб шароит туғдириш, савдо ва маиший хизмат турларини кўпайтириш, бозорни тўлдириш каби вазифаларимизни изчил давом эттирамиз. Президентимизнинг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги 1995 йил 5 январда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1994 йил 29 декабрда қабул қилган фармон ва қарорини бажариш учун бор имкониятлардан фойдаланамиз. Биринчидан, биз бу борадаги ишларни Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликдаги йиғилишлар ўтказишдан бошладик. Йиғилишдан мақсад, мамлакатимиз Президентининг фармонларини, республикамиз Вазирлар Маҳкамаси қарорини ҳаётга тадбиқ этишда жипс ҳаракат қилиш, хусусийлаштириш жараёнини тезлатиш, бозорларни тўлдириб, давлатимиз тараққиётига ҳисса қўшишдир. Қўшимча иш жойлари ташкил этиш учун республикамиз бўйича 61 мингта кичик корхона очилади. Бу билан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари, ишлаб чиқариш ҳам кучаяди. Жумладан, нодавлат секторидаги ишлаб чиқаришни 60 фоизга етказиш ва ундан ошириш кўзда тутилган. Бу йил мамлакатимиз бўйича 1796 та объект хусусийлашади. Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа мажмуи, деҳқончилик-саноат мажмуи, ижтимоий соҳаларда ҳам 1046 та объект ўз эгаларига топширилади. Фуқароларнинг хусусийлаштириш жараёнларига қатнашуви тезлашади.

Шунингдек, мамлакатимизда тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини жаҳон андозасига тезроқ тенглаштириш учун чет эллик сармоядорлар билан изчил алоқалар йўлга қўйилади. Ким ошди савдолари ҳам мунтазам давом этади. Қурилиши тугалланмаган бинолар, савдо ва маиший хизмат соҳаларига қарашли иншоотлар ери билан бирга ким ошди савдосига қўйилади ва шундай хусусий корхоналарга тўғридан-тўғри сотилади. Бундан ташқари, тадбиркор ва ишбилармонларга кенг имкон яратиш ниятида, қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, уларнинг ички хўжалик ишларига аралашувига йўл қўйилмайди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 21 январь ва 1995 йил 5 январь Фармонлари тадбиркор ва ишбилармонларга ҳамда Ватанимиз тараққиётига кенг йўл очган фармонлардир.

Рустам НУРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раисининг ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди.



Анварбек Косонсой шойи тўқиш фабрикасининг ҳунар ўргатувчи мактабига 1992 йили ишга кирган эди. Сўнгра ҳарбий хизматни ўтаб қайтди. Эндиликда, яна илғорлар сафига қўшилиш учун ҳаракат қиляпти.

СУРАТДА: тайёрлов цехи ишчиси Анварбек Жамолиддинов.
М. АМИН сурати.

*Суюнчи*

## ҲАММАСИ ФАРОВОНЛИК УЧУН

Бугун Чуст туманида 356 деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ихтиёрига 2083 гектар ер берилган.

Бу йил ҳар қачонгидан мўлкўл ҳосил етиштирилди. Наманган ва Тошкент вилоятлари аҳолисига кўплаб мева-сабзавот, дон маҳсулотлари сотилди. Жумладан, давлатга ғалла, пилла, сабзавот етказиб бериш режаси 100 — 102, мева — 120, узум — 104 фоизга уддаланди. Пахта эса 25000 тоннадан ошиб кетди.

Туманда ишчи ўринларини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Яқинда карбид-кальций заводи ишга тушди. У йилига 1000 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаради. Хорижий сармоялар ва хорижий фирмалар кўмагида туманда бир неча қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Йилига 4,5—5 миллион шартли банка консерва махсулотлари ишлаб чиқарадиган цех шу йил ишга тушади. Аҳолини бинокорлик махсулотлари билан таъминлаш мақсадида ғишт ишлаб чиқарадиган 8та цех ва заводлар бунёд этилди. Улар аҳолига йилига 22 миллион дона ғишт ва бошқа қурилиш материаллари етказиб бермоқда. Аҳолининг ёғоч ва тахтага бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 90 гектар теракзор ташкил қилинган.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ,
Наманган вилояти

*Уйғоқ сўз*

## МЕҲНАТ ҚИЛГАНГИНА ЭЛДА АЗИЗ

### ЁҲУД БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИ ҲАҚИДА

**.Ўтмишдан қолган иллат**
**.Иймон саломат бўлсин**
**.Бугуннинг шиори — қуриш, яратиш**

БУНДАН ўн йилча муқаддам тақдир тақозосига кўра Югославияга йўлим тушди. Ҳорижга илк дафъа чиқишим эди, эҳтимол шу боис — Белград шаҳрига кириб борганимизда ҳайратдан ёқа ушладим. Агар ишонсангиз, шаҳар кўчалари ҳувиллаб ётар, бирон-бир тирик жон кўринмас эди. Ёлғон эмас, «нима бало, бизни келади деб эшитиб, булар шаҳарни ташлаб чиқиб кетишганми?» деган ўйга ҳам бордим.

Меҳмонхонага жойлашгач, айланишга чиқдик. Йўқ,мен ўйлагандек эмас экан — ҳар ким ўз ўрнида, яъни хизматкор — меҳмонхонада, дўкондор — дўконда, ишчи — корхонада...

Улар ўз вақтида ишга борар, вақтида қайтар, вақтида харид қилар ва вақтида ҳордиқ чиқарар экан. Шундай қилмаса, иш кўнгилдагидек бўлмайди. Иши унумли, яратгани сифатли бўлмаса, рақобатда синади.

Ҳаётнинг ўзи инсонни шунга мажбур қилади — яхши яшаш учун яхши ишлаш керак!

Бу борада япон ва немислар тажрибаси ҳавас қилгуликдир.

ЮГОСЛАВИЯДА бир ойча бўлиб, Тошкентга қайтгач, бошқа бир дунёга келиб қолгандек бир-икки кун кўника олмай юрганман. Сабаби оддий: иш вақти ҳам кўча шунчалар гавжумки, бунча одам қаердан қайнаб чиқаётибди, деб ҳайрон қоласиз. Ишхонада эса... эшиклар очиқ, курсилар орқага тортилган, жиндай лофи билан айтганда, стол четига дўппи қўйилган, яъни хонада ишчанлик вазияти ҳукмрон... аммо эгаси йўқ, бозор-ўчар қилиб юриптими ёки...

Хуллас, бу табиатимизда ҳамон яшаб келаётган ва ўтмишдан қолган иллатдир. Ким учундир баҳонаи сабаб — иқтисодий қийинчилик ва яна кимдир «ёшлигида хизмат қилиб қўйган»лигини пеш қилади, хуллас, ишламайди, ҳафталаб корхонага келмайди, тағин ойлик олаётиб уялмай-нетмай маоши «унча эмас»лигидан зорланади. «Ё тавба,— дейсан шунда,— худойим бандасини шунақа сурбет қилиб ҳам яратар экан-да».

Катта бир халқнинг ичида турфа табиатли кишилар учраши табиий ва улар миллатнинг қиёфасини белгиламайди, албатта. Аммо кечмиш тузумдан бизга «мерос» бўлиб қолган ва ҳамон ишимизнинг силжишига халақит бераётган иллатлардан қачон қутуламиз?

БОҚИМАНДАЛИК бу — муайян жойни банд этиб туриб, сурбетлик ҳисобига ишламай яшашдир. Бу қавмнинг энг паст табақаси «Берсанг еймай, урсанг ўламан» деган «шиор» остида яшайди. Билади, халқимиз раҳмдил, саҳоватли, ўзини қўлидан ҳеч иш келмайдиган қилиб кўрсатиб, ўлигини ташлаб овсарланиб ётган боқимандага раҳм қилишади. Аслида ўша «овсар» ўзини боқаётганлардан бир неча баробар яхши яшайди. Чунки у яшашнинг йўлини билади.

Иккинчи бир хили эса, юқорида айтганимиздек, суллоҳлик эвазига яшайди...

Бугунги кунга келиб нима учун боқимандалар ошдаги курмак каби кўзга яққол ташланаётир? Чунки истиқлолнинг тўртинчи йили кетаяпти. Юртдошларимиз шу Ватан қисматимиз эканлигини англаб етишди, демак, уни обод, турмушни фаровон қилиш керак. Бунинг учун эса кечани кеча, кундузни кундуз демай риёзат чекиш лозим. Ҳозир миллион-миллион кишилар худди шу мақсад йўлида тер тўкмоқда. Шу эзгу интилишнинг самараси ўлароқ «Мерседес-Бенц», «ЎзДЭУ», «Элтекс», «Қатекс», Мингбулоқ... каби довруғи таралган корхоналар юзага келди, келаётир. Шунинг учун ҳам тарихда биринчи бор мамлакат салкам икки миллион тоннача дон етиштирди, шунинг учун ҳам юртимизда қурилишлар узлуксиз давом этаётир...

Бундан йигирма йилча муқаддам шоир армон билан шундай сатрлар битган эди:

*Бошингга агар қўнса шу кун шарпаи иқбол*
*Пойингга, элим, бош уриб Қуръон ёзажакман.*

Шоир, халқим толеинг кулса, сен учун энг улуғ ва савоб ишларни қилишга тайёрман, дейди. Ахир, шундай кунлар келди-ку! Биз истиқлолимиз учун бор имкониятимизни сарфлаб, виждонан хизмат қиладиган пайт-ку бу! Шундай пайтда тўрт муччанг соғ бўлиб, тағин юртга оғирингни ташлаб туриш... иймондан эмасдир-ов!

ҲАР ҚАНДАЙ жамият ўз табиатини тозалаб боради, шу маънода айтиш мумкинки, ҳаётнинг ўзи бундайларни четга суриб ташлайди. Чунки биз тараққиётнинг янги йўлидан бораётирмиз — меҳнат қилгангина элда азиз бўлади.

Бугуннинг шиори шу — қуриш, яратиш!..

Йўлдош ЭШБЕК,
Ҳамид Олимжон мукофоти соҳиби.

*Истиқлол фидойилари*

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ...





**· 120 хилдан ортиқ**
**· Янги ва янги — комбайн, картошка кавлайдиган ускуна**
**· Маҳсулот хорижни забт этмоқда**
**· Ҳамкорликда ҳикмат кўп**

Бугун биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлаётган Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхонаси 1948 йилгача пахта териш машиналари билан бир қаторда, экиш мосламалари ва пахта қатор ораларига ишлов берадиган ускуналарни ҳам ишлаб чиқарган. Кейинчалик фақат пахта териш машиналарини тайёрлашга ихтисослаштирилди. 1992 йилдан бошлаб, корхона ҳаётида ҳам бошқа жойларда бўлгани каби жуда катта ўзгаришлар бўлди. Бунинг сабаби эса оддий. Собиқ Иттифоқ тарқаб кетгач, республикалар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ҳам ўз-ўзидан узила бошлади. Бу узилишлар эса ҳар бир ёш ва мустақил давлатлар учун бир қанча қийинчиликлар туғдирди. Хўш, энди нима қилиш керак, деган фикр ҳаммани ўйлантириб қўйди.

Вужудга келган муаммоларнинг асосийси — қишлоқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган ҳашак ўриш, йиғиш, картошкаларни экадиган ва жойларни ҳайдайдиган махсус техникаларнинг асосий қисми қўшни республикалардан олиб келинарди. Вазиятдан тўғри хулоса чиқарган мутахассислар юқорида номлари тилга олинган ва шунга ўхшаш техника ва ускуналарни Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхонасида ишлаб чиқаришга ҳаракат қилдилар ва бунинг уддасидан чиқишди ҳам. Фақатгина пахта териш машиналарини тайёрлаш билан шуғулланиб келган корхона бугунги кунга келиб 120 турдан ортиқ халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқараяпти. Жумладан, картошка учун ер ҳайдайдиган НО-3,1 (фрезаси) ва уни қазиб оладиган ҚН-2 каби янги турдаги машиналар, чорва молларига ҳашак ўрадиган тракторга уланувчи КПКА-2,4 расамадли комбайн мажмуаларини тайёрлаб бермоқда.

Корхона иши билан яқиндан танишар эканмиз, у ерда мева, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни сақлаш учун ҳажми 0,5дан 3,0 литргача бўлган (минутига 16 дона) шиша идишларни ёпишга мўлжалланган МЗ. ТСМ-001 расамадли ярим автомат машинаси ҳамда шахсий томорқа ва дала ҳовлиларда эртанги сабзавот етиштириш учун ихтисослашган ТР-00.000.000 расамадли йиғма иссиқхоналар ҳам ишлаб чиқарилаётганлиги бизни қувонтирди.

Корхонанинг ташқи алоқалари тўғрисида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. У маҳсулотларни республикамиздан ташқари Аргентина, Покистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қозоғистон каби давлатларга ҳам экспорт қилмоқда. Шунингдек, корхона қошида ташкил этилган «Ўзбек—Исроил» қўшма корхонаси олиб бораётган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир.

Эндиликда корхона раҳбарияти АҚШнинг «Кейс— Интернейшнл» фирмаси билан ҳамкорлик қилиш юзасидан ҳам келишувлар олиб бормоқда. Ҳа, халқимизнинг «Излаган имкон топади, изламаган баҳона» деган мақоли бежиз айтилмаган. Ушбу жамоа фаолияти эса юқоридаги мақолнинг нақадар ҳаётий эканлигидан далолат бериб турибди.

Эркин МАВЛОНОВ.
«Туркистон» мухбири.

